# Ахборот технологиялари — тараққиёт омили

**Янги аср жаҳон ҳамжамияти томонидан ахборот асри деб тан олинди. Чунки илғор ахборот технологиялари мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан бўлиб қолмоқда. Республикамизда ҳам ана шу йўналишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу муносабат билан Олий Мажлиснинг навбатдаги XII сессияси муҳокамасига «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари биринчи ўқишда киритилмоқда. Улар парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. Биз мазкур қонун лойиҳалари ва қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб беришни сўраб, қўмита раиси ўринбосари Субҳонжон СОЛИЕВга мурожаат қилдик.**

— Айни пайтда дунёнинг энг ривожланган давлатлари томонидан глобал ахборот тизимини шакллантириш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Фан ва техника ютуқлари асосида ахборот ва коммуникация технологиялари кескин равишда ривожланиб бормоқда. Масалан, 1991 йилда дунё бўйича Интернет тармоғига 700 минг компьютер уланган бўлса, ҳозирги кунда ундан фойдаланувчилар сони 700 миллиондан ошди.

Республикамизнинг ахборот коммуникация соҳасида жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни жадал ривожланаётир. Президентимиз ташаббуси билан бу соҳага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Ўтган йили Юртбошимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармони чиқди ва ҳукуматимиз томонидан 2002 — 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасидаги ўзгаришлар 1993 йилда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг айрим меъёр ва қоидалари ҳозирги замон шароитларига тўғри келмаслиги, айрим моддалари эса ўтган давр мобайнида қабул қилинган бошқа қонунларда батафсил келтирилганлиги боис амалдаги қонун ўрнига янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш заруратı туғилди.

Амалдаги қонундан фарқли ўлароқ, лойиҳасида ахборот ресурсларидан фойдаланиш тоифалари ва уларни аниқлаш тартиблари ифодаланган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги янги қонуннинг келажакда қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлади, ушбу соҳага хориж инвестицияларининг киритилишига шароит яратади. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, масофадан ўқитиш, телетиббиёт, электрон тижорат каби ва бошқа қатор янги хизматларни ривожлантиришга кенг йўл очади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида трансакцион, яъни узоқ масофаларга бориб келиши билан боғлиқ харажатларнинг кескин камайишига имконият яратувчи ва жаҳон иқтисодиёти ривожига қўшимча куч бера оладиган электрон рақамли имзо электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимида кенг қўлланилмоқда. Мамлакатимизда айни пайтда электрон рақамли имзо фақат Марказий банк тармоқларида электрон маълумотларни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш ва уларнинг ёпиқ турдагиларининг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида ишлатилади.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасида бир вақтнинг ўзида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг қоғоздаги шахсий имзо билан ҳуқуқий тенглигини тан олишни таъминловчи меъёрлар белгиланган.

Электрон рақамли имзо савдо операцияларини ўтказишда харажатларни кескин камайтиради ва томонларнинг узоқ масофа билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал қиладиган электрон тижоратни ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига хизмат қиладиган «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги янги қонунларнинг қабул қилинишига асос яратади.

**«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.**

NBU

## Пластик карточкалар: ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Яқин вақтларгача фуқароларимиз ўз жамғармаларини сақлашнинг фақат икки усулини билишарди: жамғарма дафтарчаси ва «пайпоқ» усули. Эндиликда эса мустақиллик шарофати туфайли улар учун кенг доирадаги замонавий банк хизматларидан исталганини танлаш имконияти пайдо бўлди.

Мисол учун, пластик карточкаларни олиб кўрайлик. Бугунги кунда бутун дунёда пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз электрон тўловлар банк орқали пул айланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ана шу илғор технология кенг қўлланилмоқда.

Албатта, нақд пулсиз электрон ҳисоб-китоблар тизими нақд пуллардан бутунлай воз кечишни тақозо этмайди. Бироқ, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, аҳолининг банк тизимига ишончи тобора ошиб бормоқда. Сўм пластик карточкалари эгалари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизда бу янгиликни жорий этишда пешқадамлик қилмоқда. Хўш, «Ўзмиллийбанк» сўм карточкалари нимаси билан эътиборни тортади?

Ўз моҳиятига кўра, карточка — сизнинг пулларингиз жойлаштирилган банк ҳисобварағи. Ана шу бир парча пластик карточка катта миқдордаги нақд пулларни олиб юришдек ноқулайликдан қутқаради, лекин айни пайтда шу пуллар чўнтагингизда эканини биласиз. Карточкани йўқотиб қўйишдан қўрқмасангиз ҳам бўлади. Чунки «парол»ингизни билмайдиганлар ундан асло фойдалана олмайдилар. У синиб қолиши ҳам қўрқинчли ҳол эмас. Карточкани банкда ҳеч қандай муаммосиз алмаштириб беришади.

Сўм пластик карточкаси банкоматлар ва банк кассалари орқали ҳисобварақдан нақд пул чиқариб олиш, шунингдек, товарлар ва хизматлар ҳақини нақдсиз тўлаш имконини беради. Бунда сўм карточкалари бўйича товарлар ҳақи тўланаётганда воситачилик ҳақи ундирилмайди.

Ҳозирги кунда фақат пойтахтнинг ўзида ишлаб турган 200 дан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида сиз «Ўзмиллийбанк» карточкалари ёрдамида ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин. Уларни кириш жойида ёпиштирилган кўк рангли «Ўзмиллийбанк» фирма белгилари бўйича таниб олса бўлади. Миллий банк сўм карточкалари орқали хизмат кўрсатиладиган жойларнинг тўлиқ рўйхатини эса, сиз ўзингизга энг яқин жойлашган банкнинг ҳар қандай бўлимида олишингиз мумкин.

Бундай «электрон ҳамён»га эга бўлгач, сизнинг ҳаётингиз ва саломатлигингиз автоматик тарзда бепул суғурта қилинади. Бунда сизга бериладиган суғурта воситаси жаҳоннинг барча мамлакатларида йил давомида кунига 24 соат мобайнида амалда бўлади.

Маблағлар бут сақланишини мамлакатнинг етакчи банклари таъминлашига ишонч ҳосил қилишдан ташқари, карточка эгаси маданиятли савдо иштирокчисига ҳамда у тақдим этадиган барча қулайликлардан фойдаланувчи шахсга айланади.

Сиз сўм карточкаси билан қаерларда пул тўлашингиз мумкин? Юқорида айтилганидек, пойтахтда ҳам, бутун Ўзбекистонда ҳам «Ўзмиллийбанк» карточкаларини қабул қиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари анчагина ва уларнинг сони ойдан-ойга кўпайиб бормоқда. Бироқ нақдсиз ҳисоб-китоблар қилиш учун терминаллар ўрнатилган супермаркетлар ҳамда фирма дўконларида нархлар гўёки жуда юқори бўлгани сабабли, оддий одамлар бундай жойлардан керакли нарсаларни харид қила олмасликлари тўғрисидаги эскича фикрлаш ҳануз сақланиб қолмоқда.

Аслида катта дўконлардаги маҳсулот турлари ва нархлар холисона ўрганиб чиқилса, уларнинг жуда қимматлиги тўғрисидаги фикрлар ўринсиз бўлиб чиқади. Шубҳасиз, бу жойларда катта даромад топадиган одамларгина харид қила оладиган товарлар ҳам бор. Бироқ маҳсулотнинг асосий қисми, бутун дунёда бўлгани каби, аҳоли кенг қатламлари учун мўлжалланган.

Келинг, аниқ рақамларга мурожаат қилайлик. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш учун терминаллар ўрнатилган дўконларда «суякли» гўшт нархи 2300 сўмдан бошлаб 2800-2900 сўмгача боради. Бозорда албатта савдолашиб, гўштни бир-икки юз сўм арзонроқ олиш мумкин. Лекин бир эслаб кўринг: «Тарозидан урмаётганмикан?» ёки «Бу жазирамада гўшт айний бошламаганмикан?» деган хаёллар сизни неча марта безовта қилган? Бунга ўсимлик ёғининг нархларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Идеал» — 1480 сўм, «Олейна» — 1425 сўм. Уй бекалари фарқни дарров сезишади. Минерал сув — 265 сўмдан («Самарқанд») 350 сўмгача («Нестле» ва «Бонаква»). Олий навли ун — 300-325 сўм, гуруч — 700 сўм атрофида. Чой ва қаҳва ёки колбаса маҳсулотларининг нархларини айтиб ўтишдан маъно йўқ, чунки ҳозирги кунда уларнинг ўнлаб навлари бор ва ҳар бир одам ўз хоҳиши ва имкониятига қараб танлаши мумкин. Шундай ҳолат маиший ноозиқ-овқат молларига ҳам тегишли. Сабзавотлар эса ўртача 50-80 сўм қимматроқ. Лекин бозордаги тарозилар аҳволи ҳисобга олинса, амалда фарқ қолмайди.

**Банк тизими**

Яна бир жиҳат — вақтнинг тежалиши. Пулни санаш ва қайта санашга хожат йўқ — бу ишни касса-терминал бажаради.

Асосий қулайлик шуки, имконияти турлича бўлган харидорларга танлаш учун кенг имконият бор, бунинг устига, маҳсулотлар сифати сертификатланган, ҳисоб-китоблар электрон аниқликда бажарилади. Шу боис, пулини тўлаганга яраша мақбул даражада сифатли маҳсулот олишни истовчилар маданиятли савдо усулларига тобора мойиллик билдирмоқдалар. Ҳолбуки, ҳозирги кунда айни пластик карточка бундай савдо усулларидан фойдаланишнинг энг тезкор ва осон йўлини очиб беради. Лекин савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йирик корхоналар билангина чекланиб қолмаслик лозим. Кичик дўконлар, озиқ-овқат дўконлари, шунингдек, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, қаҳвахоналар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва бошқалар ҳам секин-аста аҳоли билан пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишга ўтаяпти.

Корхоналарида пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатувчи терминаллар ўрнатишдан тадбиркорларнинг ўзлари кўрадиган фойда ҳам тобора аниқроқ кўзга ташланмоқда. Мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш борасида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинаётир. Булар орасида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 300-сонли қарорини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ушбу қарорга мувофиқ, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари товар обороти ҳажмида пластик карточкаларни қўллаб, олинган даромад солиғини амалдагисидан 20 фоиз камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар. Шу муносабат билан, барча корхоналарга ўзига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пластик карточкалардан фойдаланиладиган зарур миқдордаги махсус ускуналар ўрнатиш тавсия этилади.

Карточкангиз бўлса, сизда нақд пул муаммоси ҳам бўлмайди. Зарур маҳсулотларни сотиб олаётганингизда, ҳамёнингизда қоғоз пулларингиз бўлмаса ҳам, пластик карточка билан чекланмаган миқдорда ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин. Карточкалар бўйича хизмат кўрсатиладиган терминаллари мавжуд тадбиркорларнинг савдо обороти ҳам ошиб боради.

Миллий банк сўм пластик карточкасига «халқ» ёки «оммавий» мақомини бериш учун фаол ҳаракат қилмоқда. Банк мутахассислари бир қанча иш ҳақи лойиҳаларини ишлаб чиқиб, жорий этдилар. Бунга кўра, жуда катта саноат корхоналари ҳудудларида банкоматлар ўрнатилди. Навоий кон-металлургия комбинати, Фарғона ва Янгийўл ёғ-мой комбинатлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш комбинати, Муборак газ конлари бошқармаси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Оролбўйи ва Самарқанд бўлимлари, Фарғона давлат университети, «Кока-Кола», «Косонсой—Текмен», «Аснам-Текстиль», «Ўзсаламан» ва «Шарқ-Мир» қўшма корхоналари, «Қизилқумцемент», «Самарқанд-Парранда», «Асакаёғ», «Шаҳрисабз-Шароб», «Урганчёғ» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир.

Бу корхоналар ўз ходимларига барча даромадларни ўтказиш учун карточкалар очиб, катта миқдордаги нақд пулларни олиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ ўз харажатларини қисқартирдилар. Муҳими, компаниялар ходимлари, иш ҳақи тўлаш муддати қандайлигидан қатъи назар, керакли суммани карточкадан олиш ҳамда иш жойларида туриб банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

Агар сиз юқорида айтилган компаниялар ходими бўлмасангиз, ҳеч бир истиҳоласиз, «Ўзмиллийбанк»нинг амалда барча аҳоли пунктларида ишлаб турган ҳар қандай бўлимига киришингиз мумкин. У ерда сизга омонат ҳисобварағи очишади. Банк бўлимида сиз, ўз моҳиятига кўра, амалда фақат квитанция вазифасини бажарадиган қоғозли жамғарма дафтарчаси эмас, балки замонавий «дафтарча-ҳамён» оласиз ва унинг юқорида таърифланган барча афзалликларига эга бўласиз.

Бунинг устига, шундан кейин сиз карточкага маблағларни нақд пулда қўйишингиз ҳам, нақдсиз ўтказишингиз ҳам мумкин, ундаги фойдаланилмаган пул қолдиғига эса, банк фоизлари қўшилиб боради.

Пластик электрон карточкаси ҳозирги кунда унинг эгасининг ижтимоий мақоми шакли ва ҳисоб-китобларнинг қулай воситасигина эмас. У шахсий бюджет, вақт ва ахборотни бошқаришнинг самарали усули ҳам бўлиб, бунда сиз ҳисоб-китоб қилишдан ташқари, исталган банкомат ёки банк бўлими орқали ҳисобварағингиздаги маблағ қолдиғи, исталган давр учун ундаги пуллар ҳаракати тўғрисида маълумот ҳам олиш имконига эга бўласиз.

Кўриниб турибдики, пластик карточкаларни қўллаш ғоят фойдали. Электрон ҳисоб-китоблар тизими ривожланишининг ижобий динамикаси бу маҳсулот яқин келажакда тўловлар ва жамғармаларнинг чинакам халқ воситасига айланади, деб умид қилиш учун асос беради. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси мамлакатимизнинг бошқа тижорат банклари билан биргаликда бундан буён ҳам мамлакатимизда пластик карточкаларни оммалаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш ниятидадир.

Республика акциядорлик тижорат банки
«Ғаллабанк»
Бошқаруви ва жамоаси
Ўзбекистон халқини шу жумладан, ўз мижозлари ва акциядорларини Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади!
Жонажон мамлакатимиз равнақи йўлидаги барча эзгу ишларингизда сизларга бахт ва саодат, сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тотувлик ҳамда файзу барака тилайди!
Юртимиз тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Байрам арафасида қуйидаги омонат турларини таклиф қиламиз:

| т/р | Омонат (депозит) номлари | Депозит тури | Муддати | Йиллик фоизи | Бошланғич бадал | Асосий шартлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Имконият** | муддатли | 6 ой | 42 | 10 000 | Маблағ қўйилгач 6 ойдан сўнг уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мумкин, ойига 3,5 % устама ҳисоблаб берилади. |
| 2 | **Саломатлик** | муддатли | 11 ой | 50,4 | 10 000 | Маблағ қўйилгач 11 ойдан кам бўлмаган муддатдан сўнг олиш мумкин, ойига 4,2 % устама ҳисоблаб берилади. |
| 3 | **Нафақа-мададкор** | муддатли | 1 йил | 40,8 | 10 000 | Маблағ 1 йилга қўйилиб, ҳар ойда 3,4 % устама ҳисоблаб берилади. |
| 4 | **Қувонч** | муддатли | 3 ой-3 йил | 38,4-50,4 | 10 000-5 000 000 | Маблағ шкалага асосан 3 ойдан 3 йилгача қўйилиб, 38,4%дан 50,4%гача устама тўлаб берилади. |
| 5 | **Барака** | муддатли | 3 ой-3 йил | 42-52,8 | 5 000 000-10 000 000 | Маблағ шкалага асосан 3 ойдан 3 йилгача қўйилиб, 42%дан 52,8%гача устама тўлаб берилади. |
| 6 | **Капитал-плюс** | муддатли | 3 ой-3 йил | 44,4-54 | 10 000 000 | Маблағ шкалага асосан 3 ойдан 3 йилгача қўйилиб, 44,4%дан 54%гача устама тўлаб берилади. |
| 7 | **Меҳригиё** | жамғармали | 18 ёшгача | 25 | 5 000 | Йилига 25 %дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. |
| 8 | **Коммунал тўлов** | муддатли | 1 йил | 45 | 1 000 | Аҳоли уй-жой, коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 45% миқдорида устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади. |

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

ГАЖК "Ўзбекистон Темир Йўллари"
СП "LOK Kolor SINTEZ"
ЗАВОД ЛАКОКРАСОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ

## «LOK KOLOR SINTEZ»: ИСТИҚБОЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Ўзбекистонликларнинг ўтган 12 йил мобайнида ҳар соҳада катта муваффақиятларга эришганлари қувонч бағишлайди, албатта. Айниқса, энг улуғ, энг азиз байрам арафасида «LOK KOLOR SINTEZ» Ўзбекистон-Швейцария-Голландия қўшма корхонасига «Олтин» Халқаро сифат мукофоти тақдим этилгани нур устига аъло нур бўлди.

Business Initiative Directions (B.I.D) мустақил ташкилоти мана, 40 йилдирки, илғор сифат моделларини бутун дунёда кенг оммалаштириш йўлида хизмат қилиб келмоқда. У ҳар йили тегишли тармоқда энг юқори кўрсаткичларга эришган корхоналарни ана шу нуфузли мукофот билан тақдирлайди.

«LOK KOLOR SINTEZ» қўшма корхонаси бош директори Наталья Барлетнинг ҳикоя қилишича, ушбу мукофотни тақдим этиш жараёнида корхонадаги маданий шароитлар ва умуман, иқтисодий самарадорликни акс эттирувчи жуда кўп кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Мижозлар билан ишлаш, истиқболли ишланмаларнинг мавжудлиги, стратегик режалар, ходимларнинг малакаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳақиқатан ҳам, корхонанинг бундай катта ютуққа эришгани яққол кўриниб турибди. Бу завод машинасозлик, қурилиш ва транспорт индустриясини республикада шу пайтгача ишлаб чиқарилмаган юқори сифатли лак-бўёқ материаллари билан таъминлаш мақсадида бундан 7 йил бурун барпо этилган эди. 2002 йилда эса, Ўзбекистонда тайёрланган жами лак-бўёқ маҳсулотларининг учдан бири «LOK KOLOR SINTEZ»да ишлаб чиқарилди. Унинг 60 фоиздан кўпроғини саноат ва қурилиш эмали ҳамда ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўёқлар ташкил этади.

— Ўзбекистонда биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ўхшаши йўқ, — дейди бош директор. — Улар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар бўлиб, ҳар бири мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Лак-бўёқлар Европанинг етакчи фирмалари хомашёлари ва технологиялари ҳамда тармоқнинг энг илғор анъаналари ҳисобга олинган ўз ишланмаларимиз асосида тайёрланмоқда. Хусусан, лак-бўёқ маҳсулотларини комплекс тарзда ишлаб чиқариш жуда истиқболли ҳисобланади. Бу бўяш ишлари, технологиясига амал қилиб, юзаларга ишлов беришда изчилликка эришишни анча осонлаштиради, пардоз ишларининг тежамлилигини, узоқ сақланишини ва замонавий дизайнни кафолатлайди.

Фасадларга сиртдан пардоз бериш учун, айтайлик, «LOK KOLOR SINTEZ» мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган мутлақо янги, сув қўшиб ишлатиладиган, бир-бирига жуда мос тушувчи материаллар тавсия этилади. Шимилувчи «ПЕНЕТОН» (материал мустаҳкамлигини оширади, сув сарфини камайтиради), юзани силлиқловчи «БИНОГРУНТ» (бўёқнинг юзага ёпишишини яхшилайди, унинг кам сарфланишини таъминлайди), шпатлёвка, шунингдек, сиртки пардоз учун «БИНОФАС» (турли рангларга эга бўлиб, бинони ҳимоялайди ва чиройли кўриниш беради), ички пардозлар учун эса, жуда кўримли, зарарсиз, экологик тоза «АКВЭС» шулар сирасига киради.

Атмосфера ҳавосига ва коррозияга чидамли туркум «АЛУР» материаллари вагонларни, қишлоқ хўжалик машиналари, металл конструкциялари, турли дастгоҳ ва ускуналарни бўяшга мўлжалланган. Голландияда синовдан муваффақиятли ўтган бу материаллар коррозияга қарши грунтовка, шпатлёвка, грунт-шпатлёвка ва юқори глянцли эмални ўз ичига олади.

Минтақанинг қуруқ ва иссиқ иқлими, шунингдек, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланган пахта кўп ҳолларда ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Буни эса таркибида ёнғиндан муҳофазаловчи моддалари бўлган «ДЕФЛАМ» ва «ФЭБОС» материалларидан фойдаланиш орқали бартараф этиш мумкин. Улар (офис, театр, меҳмонхона комплексларида) ёғоч юзаларига ишлов беришда, газлама ва гилам буюмларига шимдиришда қўлланилади.

«Қуёшли-лимонли», «Кўк олма», «Кумуш тутун», «Олтин қум», «Ёнғоқ», «Қизил дарахт», «Металли» каби турфа ранг ва дизайнлар мебелларга гўзаллик бағишлайди. Бунга эса, «LOK KOLOR SINTEZ» корхонасида яратилган янгилик — лакни қўллаш орқали эришиш мумкин.

Корхонадаги яна бир янгилик шуки, бу «Биоцид» бўёғи ва «БИОКАВАТ» туркумидаги эмалдир. Заводнинг барча маҳсулотлари қаторида улар ҳам инсон саломатлиги учун зарарсиз бўлиб, ишлов бериладиган юзалардаги касаллик тарқатувчи микроб ва вирусларни йўқ қилиш хусусиятига эга. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига мувофиқ, бу маҳсулотларни кўплаб одамлар тўпланадиган хоналарда ёки ёш болалар ва иммунитети сусайган оила аъзолари бўлган шахсий уй ва хонадонларда бемалол ишлатиш мумкин.

Ушбу маҳсулотларнинг ҳаммаси заводнинг синов лабораториясида яратилган. У яхши жиҳозланган, юқори малакали мутахассислар жалб этилган, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган, республикадаги иккита лабораториянинг бири ҳисобланади. Яъни лак-бўёқ материалларини белгиланган андозаларга мувофиқ синовдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Янги ғоялар айнан шу ерда туғилади, хомашёлар танланади, технологиялар ишлаб чиқилади. Кейинчалик туркум маҳсулотларга айланадиган тажриба нусхалари шу ердан чиқади.

Режалаштиришга оқилона ёндашув корхонанинг иқтисодий барқарорлигини ишлаб чиқаришнинг янги-янги йўналишларини очиш орқали мустаҳкамлаш имконини бераётир. Ҳозир корхонада тикувчилик цехи, қурилиш ашёлари ва электродлар ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият кўрсатмоқда. Пайвандлаш ишларига мўлжаллаб, чет эл хомашёсидан тайёрланаётган электродлар, айниқса, мижозларнинг эътиборини қозонди. Чунки юксак технология асосида тайёрланадиган, сифатли электродлар республикага келтирилаётган шундай маҳсулотларга нисбатан анча зарарсиздир.

Қўшма корхонани барпо этиш чоғида энг яхши хорижий турдош корхоналарнинг ташкилий соҳадаги илғор тажрибалари асос қилиб олинган эди. Чунки илмий-ишлаб чиқариш базаси, узлуксиз изланиш ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини такомиллаштириш, юзага келадиган муаммоларни таҳлил қилиш, маҳсулот сифати, унинг мақбул нархи ва шериклик бурчларини ўз вақтида бажариш тамойилларини уйғун ҳолда олиб бориш шулар жумласидандир.

Мижоз манфаати — муваффақиятлар гарови. Буни тўғри тушунган ҳолда заводда истеъмолчининг хоҳиш-иродаси биринчи галда инобатга олинади. Чунончи, мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан барча маҳсулотларга анчагина чегирмалар жорий этилди. Икки йил бурун бошланган заводни тубдан қайта қуриш жараёнида эса биринчи навбатда омборхона, маҳсулотларни реализация қилиш майдонлари ва маъмурий биноларни қуришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, мижозларнинг истакларига мос керакли рангларни танлаш мақсадида ихтисослаштирилган дўкон очиш мўлжалланмоқда.

«LOK KOLOR SINTEZ» қўшма корхонаси жамоаси олдида истиқболга мўлжалланган бир қатор режа ва амалий ишларни бошқариш вазифалари турибди. Маҳсулот сотишдан келаётган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланмоқда. Ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни тубдан янгилашга, эскирган технология ва ускуналарни энг илғор ва замонавийлари билан алмаштиришга киришилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини изчил ошириш ва маҳсулот турларини кўпайтириш, балки ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан бутунлай янги поғонага кўтариш, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни янада кўпроқ ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг бунга қодир эканликларини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

**Ирина КИМ.**

capital bank

Барча ўзбекистонликлар
ва Ўзбекистон меҳмонларини
юртимиз
Мустақиллигининг
12 йиллиги
муносабати билан
самимий муборакбод
этамиз.

HARRIS
next level solutions

Ўзбекистон халқини улуғ байрам—
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 12 йиллиги
билан чин дилдан самимий
муборакбод этади!



Барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат,
эзгулик ва фаровонлик, Ўзбекистоннинг равнақи
ва гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик
меҳнатингизда янгидан-янги
зафарлар тилаймиз!

«HARRIS»
корпорацияси

www.harris.com.

